


6-20-2020

THE EXPRESSION OF NATIONAL SPIRIT IN “DAYS GONE BY” BY ABDULLA KADIRI

Nurboy Jabborov DSc, Professor

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi, Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Jabborov, Nurboy DSc, Professor (2020) "THE EXPRESSION OF NATIONAL SPIRIT IN “DAYS GONE BY” BY ABDULLA KADIRI," *Philology Matters*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 1.

DOI: 10.36078/987654431

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss2/1>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Нурбой Жабборов

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори

“ЎТКАН КУНЛАР”ДА МИЛЛИЙ РУХ ИФОДАСИ

АННОТАЦИЯ

Адабиётнинг асл моҳияти миллий руҳнинг бадиий талқинига кўра белгиланиши, муайян ижодкор асарини баҳолашда миллий адабий-эстетик тафаккур асосий мезон эканлиги мақола илмий концепциясини ташкил этган. Қайси тилда яратилган бўлишидан қатъи назар, жаҳондаги ҳар бир халқ адабиётининг энг сара намуналари миллий рух ифодаси нуктаи назаридан илмий таҳлил этилиши зарурияти долзарблик касб этади. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи XX аср ўзбек адабиётида ана шу мезонга жавоб бера оладиган асар сифатида таҳлил этилган.

Муаллифнинг фикрича, “Ўткан кунлар” романида миллий рух қуйидаги уч тамойил асосида намоён бўлган: 1) миллат руҳини мужассам этган ўзига хос урф-удумлар, анъаналар, қадриятлар, миллатнинг орзу-армонлари талқини; 2) миллатнинг ўз-ўзига танқидий руҳда қарай олиш салоҳияти ифодаси; 3) асарда миллий шахсиятларга хос собит эътиқоднинг поэтик сувратланиши. Ўз навбатида, бу тамойиллардан биринчиси – миллатнинг ахлоқи, иккинчиси – иродаси, учинчиси – эътиқодини тажассум этади ва бу учлик яхлит ҳолда миллий руҳни ташкил қилади.

Мақола сўнгида тадқиқот натижалари назарий умумлаштирилган.

Калит сўзлар: роман, миллий рух, миллат ахлоқи, эътиқод, ирода, миллий озодлиқ, бадиий тасвир, сўз қўллаш маҳорати, ифода, ижод концепцияси, адабий-эстетик мезон, бадиий талқин.

Nurboy Jabborov

Professor of Tashkent state university of Uzbek language and literature named after Alisher Navoiy, Doctor of Philological Sciences

THE EXPRESSION OF NATIONAL SPIRIT IN “DAYS GONE BY”

BY ABDULLA KADIRI

ANNOTATION

The scientific concept of the article is that the national literary-aesthetic thinking is of primary criterion in evaluating a writer's work and the essence of literature is determined by the artistic interpretation of the national spirit. The best examples of folk literature in the world, regardless of the language in which it is written, is on the agenda as a question number one to be analyzed scientifically in terms of the expression of the national spirit. Abdulla Kadiri's novel “Days Gone By” has been analyzed in twentieth-century Uzbek literature as a work that can meet this criterion.

According to the author, the national spirit is reflected in the novel “Days Gone By” on the basis of the following three principles: 1) the interpretation of specific customs, traditions, values, dreams and aspirations of the nation, embodying the spirit of the nation; 2) an expression of the nation's potential to look at itself in a critical spirit; 3) poetic depiction of fixed beliefs inherent in national personalities in the play. In turn, the first of these principles embodies the morals of the nation, the second - the will, and the third - the beliefs, and this trinity forms the national spirit as a whole.

At the end of the article, the research results are theoretically summarized.

Key words: novel, national spirit, morality of the nation, faith, will, national freedom, artistic image, word usage, expression, concept of creation, literary-aesthetic criterion, artistic interpretation.

КИРИШ

Моҳиятан умуминсониятга дахлдор бўлса-да, адабиёт миллий шаклда намоён бўлади. Ўзида миллатнинг руҳини ифодалайди. Миллийликдан холи туйғунинг таъсир кучи бўлмаганидек, миллий руҳдан мосуво тафаккур ҳам қанотсиз қушга менгзайди. Шунга кўра, миллийлик – адабиётнинг асосий мезони. Таъбир жоиз бўлса, жаҳон бадиий-эстетик тафаккури кўригида ўзбек адабиётини ажратиб кўрсатувчи бош хусусият, ўзгалардан фарқини намоён этадиган асосий белги, бу – миллий руҳдир. Таъкидлаш керакки, миллий руҳ ифода этилгани асарнинг умумбашарий аҳамиятини зинҳор пасайтирмайди, аксинча жаҳон адабиётида ўзига хос ўринга эга бўлиш имконини янада оширади. Шунга кўра, жаҳондаги ҳар бир халқ адабиётининг энг сара намуналари миллий руҳ ифодаси нуқтаи назаридан илмий таҳлил этилиши зарур. Бу йўналишдаги тадқиқотлар муайян миллат адабий-эстетик тафаккурининг бошқа ҳеч бир халқ адабиётида учрамайдиган ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, адабий жараёнга татбиқ этиш ва ривожлантириш имконини бериши жиҳатидан ҳам қимматлидир. XX аср ўзбек адабиётида ана шу мезонга жавоб бера оладиган асарлардан бири, таъкидлаш мумкинки, ҳатто биринчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидир.

Ушбу роман бўйича кўплаб тадқиқотлар яратилган. Иззат Султон, Матёқуб Қўшжонов, Бегали Қосимов, Наим Каримов, Баҳодир Каримов, Узоқ Жўрақулов каби адабиётшунослар илмий ишларида ушбу роман мисолида миллий руҳ талқини масаласига у ёки бу даражада эътибор қаратилган. Бироқ бу илмий муаммо алоҳида таҳлилга тортилмаган. Ушбу мақола шу йўналишдаги камтарин бир уринишдир. Табиийки, ушбу мўъжаз тадқиқот алоҳида аҳамиятга эга бу илмий муаммони тўлиқ ҳал этишга даъво қилмайди. Бу борадаги илмий изланишларни муттасил давом эттириш ҳамда такомилга етказиш – келажакнинг иши.

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

“Ўткан кунлар”ни инглиз тилига таржима қилган Марк Риз эътирофича “...асарнинг даражасини баҳолаш мезони маданияти, тили ёки у яратилган даврдан қатъи назар, буюк ёзувчи ўз фикрларини бутун башариятга, ҳар биримизга етказиб бера олишидир. Шунинг учун ҳам бу жаҳон адабиёти дейилади... Қодирий ана шу маррани босиб ўта олди. Айтишим мумкинки, “Ўткан кунлар” жуда бой ва тугал роман бўлиб, унда Фарб ўқувчиси учун янгилик бўлган турфа хил анъаналар тасвири, терминлар ва тарихий даврга хос ҳикоялар жуда кўп. Бу эса айни пайтда юз бераётган жараён – Ўзбекистонни дунёга яқиндан танитиш борасида ҳам катта аҳамиятга эга” [Боймуродова, 2018].

Асарнинг америкалик таржимон эътиборини тортган асосий фазилати миллий руҳнинг бетакрор талқини экани аён. Чунки “Ўткан кунлар” айнан миллатнинг ўзига хос ҳаёт тарзини, бетакрор урф-удумларини, ахлоқини, орзуларини армонларини ифодалагани жиҳатидан дунё адабиёти намояндалари эътирофини қозонаётир. Таржимоннинг ““Ўткан кунлар” жуда бой ва тугал роман бўлиб, унда Фарб ўқувчиси учун янгилик бўлган турфа хил анъаналар тасвири”

берилганини таъкидлаши замирида ҳам ана шу ҳақиқат мужассам.

Миллий руҳ бетакрор ифодаланган ушбу романнинг инглиз тилига таржимаси китоб ҳолида нашр этилгач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвга мактуб йўллаган Марк Риз мана бундай ёзади: “...мен айна пайтда инглиз тилига таржима қилиб тугатган Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи *Марказий Осиё ва жаҳон адабиётида ўхшашли йўқ асар*дир... Ўн беш йил мобайнидаги иш жараёнида нафақат адиб тилига хос нозик жиҳатларни, балки 1938 йилда унинг қатағонга учраши ва ўлимига сабаб бўлган, асарларига жо этилган *чинакам миллий руҳни* (*Барча таъкидлар бизники – Н.Ж.*) илғашга муваффақ бўлдим” [Риз, 2020].

Савол туғилади: муайян ижодкор асарларида миллий руҳ қандай тамоийиллар асосида намоён бўлади? Бизнингча, уларни куйидагича тасниф этиш мумкин: 1) миллат руҳини мужассам этган ўзига хос урф-удумлар, анъаналар, қадриятлар, миллатнинг орзу-армонлари талқини; 2) миллатнинг ўз-ўзига танқидий руҳда қарай олиш салоҳияти ифодаси; 3) миллий шахсиятларга хос собит эътиқоднинг поэтик сувратланиши. Биринчиси – миллатнинг ахлоқи, иккинчиси – иродаси, учинчиси – эътиқодини тажассум этади ва бу учлик яхлит ҳолда миллий руҳни ташкил қилади. Миллий руҳнинг асоси саналган бу уч хусусиятнинг бир асар доирасида поэтик синтезлашуви, истисносиз, феноменал поэтик ҳодиса деб баҳоланишга лойиқдир. Аксар асарларда бу хусусиятлардан бири ёки иккитаси тажассум топгани кузатилади. Шунга кўра, миллий адабиётимиз тарихидаги камдан-кам асар ана шу адабий-эстетик мезонга тўлиқ жавоб бериши мумкин. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи шундай ноёб асарлардан биридир.

МИЛЛАТ АХЛОҚИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Руҳсиз вужуд тирик деб ҳисобланмагани сингари миллий руҳдан айри ҳолда миллат ҳам, миллий адабиёт ҳам мавжуд бўлолмайди. Миллий руҳнинг асосини миллат ахлоқи ташкил этади. Ўрта асрлар адиби Ал-Жоҳиз “Фазойили атрок” (“Туркийларнинг фазилатлари”) асарида ажодларимизнинг *номусли, юраги тоза, ёвуз ўй ва ботил фикрдан холи* инсонлар бўлганини; на жангда, на тинч пайти *ҳийла билмаганини, фурсатдан фойдаланмаганини; ўзи ҳам, сўзи ҳам тўғри эканини; бировнинг молига хиёнат қилиш, иккиюзламачилик, кибру ҳаво, катталарга ҳурматсизлик кўрсатиш уларнинг тасаввурига ҳам сиғмаганини* таъкидлайди [Ал-Жоҳиз, 1993]. Бу ҳол Яратганнинг ўзи миллатимизни комил ахлоқ билан сийлаганига далил эмасми?! “Ўткан кунлар”да миллатга хос шу сингари фазилатлар уларнинг зидди бўлган хусусиятлар билан ўзаро қарама-қаршиликда мукамал бадий талқин этилгани кузатилади.

“Ўткан кунлар”нинг бош қаҳрамони Отабек – ориятли, ростгўй, ҳалол, жасоратли ва миллатпарвар шахс. Бунинг устига, у замона аҳволидан хабардор, очиқ фикрли йигит. Ушбу фазилатлар унга қондан, аслида, ўзи мансуб миллат тийнатидадан ўтган ва оилавий муҳит таъсирида камолга етган. Романдаги *“Хотини билангина эмас, умуман уй ичиси билан ҳар қандай масала устида*

бўлса бўлсин, узоқ сўзлашиб ўлтурмайдиган” [Қодирий, 2017; 147] Юсуфбек хожи – ўзбек оиласидаги отанинг мукамал тимсоли. Оила аъзоларининг унга муносабати шундан келиб чиқади. Қодирийнинг ёзишича: *“Отабекми, онаси-ми, Ҳасаналими, ишқилиб уй ичидан бирортасининг сўзлари ва ё кенгашлари бўлса, келиб ҳожининг юзига қарамасдан сўзлай берадирлар; мақсад айтиб биткандан сўнг секингина кўтарилиб унинг юзига қарайдирлар*” [Қодирий, 2017; 148]. Оилабошининг юзига тик қарамаслик – бугунги кунда камёб ҳодисага айланган бўлса ҳам, аввалда миллат ахлоқининг асоси бўлган. Оиладаги муҳитни соғлом сақлашда фавқуллодда аҳамиятга эга бўлган ўзаро ҳурматнинг бу даражага кўтарилишида бош омил, шубҳасиз, Юсуфбек хожининг Худо берган табиатидир: *“Ҳожи бир неча вақт сўзлағучини ўз оғзига тикилтириб ўлтургандан сўнг, агар маъқул тушса “хўб” дейдир, гапка тушунмаган бўлса “хўш” дейдир, номаъқул бўлса “дуруст эмас” дейдир ва жуда ҳам ўзига номаъқул гап бўлса бир илжайиб қўйиши билан кифояланиб, мундан бошқа сўз айтмайди ва айтса ҳам уч-тўрт калимадан нарига ошмайди. Уй ичи унинг бу феълига жуда яхши тушунганликларидан кўпинча бир оғиз жавоб олиши билан кифояланадирлар*” [Қодирий, 2017; 148].

Ҳар қандай масалада етти ўлчаб бир кесадиған, шу боис оилада ҳам, жамиятда ҳам муносиб мавқега эга Юсуфбек хожи ва унинг ёлғиз ўғли Отабекнинг ўзаро муносабатлари романда миллий ахлоқнинг образдаги ёрқин сувратланишига мисол бўла олади. Ҳар иккаласи ҳам ватанпарвар, миллатпараст, эл ғамини ўз ғами деб ҳис этадиганлардан. Шу сабабли ногаҳон қипчоқ қирғинига гувоҳ бўлган Отабек қаттиқ изтироб чекади. Юрт сўраб турган амалдор отасини бу қабоҳатнинг иштирокчиларидан деб гумон қилиб, бир алами минг бўлади. Ота-ўғил ўртасидаги очиқ мулоқотгина бу масалага ойдинлик киритади. *“Ўзинг ўйлаб кўр, ўғлим, – дейди озор чеккан ота, – ўз қўлимиз билан ўзимизникини кескидан мамлакат учун қандай фойда бор? Башарти мен бу ваҳшатка иштирок қилган бўлсам, қайси ақл ва қандай манфаатни кузатиб қўшилишқан бўламан? Агарда маним юрт сўрамоққа ва шу восита билан бойлик орттирмоққа орзум бўлса, бошқалардан ҳам кўра ўз ўғлимга – сенга маълум бўлмасмиди? Нега ҳар бир нарсага етган ақлинг шунга қолганда оқсайди? Нега ёнган юрагимга сен ҳам заҳар сочасан?”* [Қодирий, 2017; 300]

Бундай самимий кўнгил изҳори, табиийки, Отабекка таъсир этмай қолмайди. У *“ўз ҳужумининг ҳақсиз”* эканига амин бўлади. Ўзаро ошқора суҳбат ота-ўғил ўртасидаги тушунмовчиликка барҳам беради. Романда ҳар бир масала талқинида қаҳрамонлар руҳиятининг миллий ахлоқнинг турли қирраларини намоён этадиган ана шундай теран таҳлилини кузатиш мумкин. Умуман, одамларнинг ўзаро мулоқотида ҳам, оилавий масалалар ёки жамият миқёсидаги ҳодисаларда ҳам фикрни очиқ изҳор этиш, *“Ҳазоили атроқ”* муаллифининг таъбири билан айтганда, *ўзи ҳам, сўзи ҳам тўзри* бўлган миллатимизнинг муҳим фазилатларидандир. Бундай самимият ҳар қандай муаммо муолажасининг кафолатидир. Аслида, ўзбек табиатан шундай бўлган. Ҳазрат Алишер Навоий *“Муҳокамат ул-луғатайн”*да *“...турк сортдин тезфаҳроқ ва баланд идроқроқ*

ва хилқати софроқ ва покроқ” [Навоий, 2011; 515] дея таърифлагани ҳам бу-нинг исботидир. Тасаввур қилинг, Юсуфбек хожи синчковлик билан ўғлининг руҳиятидаги ўзгариш ва унинг сабабини англамаганида ёки Отабек озгина жиз-закилик билан бўлса-да, отасига юрагини ёзмаганида, бу чигиллик каттароқ гина-кудуратга, бора-бора эса ота-бола муносабатларининг издан чиқишига сабаб бўлиши мумкин эди. Адибнинг маҳорати шундаки, у асар қаҳрамони руҳиятига ҳар доим тўғри ташхис қўяди. Сўзни заргарона қўллайди. Оз сўзга кўп маъно юклай билади. Ўқувчи туйғулари ва шуурига кучлироқ таъсир кўрсатадиган қуйма сўз ва иборалардан фойдаланади. Масалан, Юсуфбек хожи тилидан айтилган мана бу сўзлар бугун ҳам халқ орасида кўп такрорланади: *“Нега ҳар бир нарсага етган ақлинг иунга қолганда оқсайди?”* Қандай ҳолат муносабати билан айтилмасин, бу ибора тингловчи руҳиятига, кайфиятига таъсир қилмай қолмайди.

Романда яна бир қалтис вазиятда – Отабекни Зайнабга уйлантириш масаласи кўтарилганда, миллий ахлоқ талқини ўзига хос тарзда намоён бўлади:

– *“Ўзбек ойим келиб киргандан сўнг Юсуфбек хожи бир неча вақт ўйлаб қолди... Анчагина сўзсиз ўлтургандан сўнг хожи мулойимона сўз очди:*

– *Ўғлим, ҳали сан эшитдингми-йўқми, ҳайтовур биз санинг устингдан бир иш қилиб қўйдик...*

Отабек, маълумки, уларнинг “қилиб қўйган ёки қилмоқчи бўлган ишларини” албатта билар эди. Шундоқ ҳам бўлса билмаганга солинди:

– *Ақллик кишиларнинг ўғуллари устидан қилган ишлари албатта номаъқул бўлмас, - деди.*

Хожи ўғлининг бу жавобидан ерга қаради ва нима деб давом қилишни билмай қолди” [Қодирий, 2017; 151].

Ушбу вазиятни қалтис деб атаганимиз сабаби, агар оилавий муносабатлар қатъий ахлоқий мезонга таянмаган бўлса, ўзаро ҳурмат-иззат жойига қўйилмаса, ана шу ўринда оила пойдеворига дарз кетиши эҳтимолдан холи эмас эди. Бир-бирини тушуниш ўрнига даҳанаки жанг юз бериши ҳам мумкин эди. Отабекнинг сўзлари – бундай вазиятда ақлли ўғилдан кутиладиган энг оқилона жавоб. Унда нафақат ота-она хоҳишига ризолик, шунинг баробарида, эътироз ҳам мужассам. Бироқ бу эътироз бениҳоя маданий тарзда, донишманд отани ҳам ўйлантирадиган, керак бўлса, ноқулай вазиятга солиб қўядиган шаклда изҳор этилмоқда. Юсуфбек хожининг *“ерга қараши ва нима деб жавоб қилишни билмай қолиши”* сабаби шунда. Романдаги бу тасвирда ҳазрат Алишер Навоий таъбири билан айтганда, роман сюжетининг ана шу ўрнида *“туркнинг мулоямати таъби... ортуғлиги”* аниқ бадиий тасвирланган.

Суюкли Кумуши билан турмуш курган бахтиёр Отабекни яна уйлантирдилар – нима учун? Кимга керак эди шунча можаро? Зарурмиди саодатманд ошиқ-маъшук турмушига заҳар солмоқ? Лозиммиди бахтли севги қиссасининг изтиробли яқун топмоғига сабаб бўлмоқ? Бунинг учун ким айбдор? Орзу-ҳавас кўйидаги ота-онами? Ёлғиз кизидан узоқда бўлишни, Тошкентга узатишни истамай, Марғилонда яшашини хоҳлаган Мирзакарим қутидор билан Офтоб ойм-

ми? Муҳаббатидан ўзга айби бўлмаган Кумушми ёки уйланган, оилали Отабекка турмушга чиққан Зайнабми? Шу ва шу каби саволлар кимларни ўйлантирмаган дейсиз? Бу борадаги мунозаралар ҳали ҳануз давом этаётир. Токи фикрлайдиган одамлар бор экан, токи “Ўткан кунлар” мутолаасидан ҳаловат топадиган китобхон мавжуд экан, бу сингари баҳслар интиҳосига етмаслиги аён.

Бизнингча, бу саволларга жавобни муаммонинг илдизидан – миллий ахлоқ талқинидан қидириш зарур. Отабекнинг Марғилондан уйлангани, адиб таъбири билан айтганда, “...отаси учун унча ризосизликка мужиб бўлмаса ҳам, аммо унинг ўғил тўйисидан бошлаб, Тошканд қизларини ост-уст қилиб, у “бунинг қизи яхши бўлса ҳам, уй-жойлари ярамас экан; бунинг уй-жойлари тузик бўлса ҳам, қизи кўркисиз экан; бунинг қизи-да, уй-жойлари-да тузик, бироқ зоти наст экан” деб қиз, қуда, уй-жой, насл ва насаб текшириб юргучи Ўзбек ойимнинг Отабекни уйландириб, бунинг орқасидан кўрадурган орзу-ҳавас, тўю томошаларини шартта кесиб қўйган бу уйланишига нима дейиши ва қандай қараши албатта маълум эди” [Қодирий, 2017; 147].

Аён бўлганидек, Отабекнинг уйланиши Юсуфбек ҳожида жиддий эътироз уйғотмаган бўлса ҳам, Ўзбек ойим учун қутилмаган ҳол эди. Зеро, “унча-мунча тўю азаларга “қавшим кўчада қолган эмас” деб бормайдиган”, ўрда хонимлари учун ҳам “онахон” мақомида бўлган, “ўз уйида ўлтурғанида ҳам устидаги атлас кўйнак билан адрас мурсакни, оқ шоҳи дакана билан қаҳрабо тасбиҳни кўймайдиган” Ўзбек ойим ўғлининг ўзбошимчалигини – “қошлик, кўзлик бир анди” билан турмуш қурганини кечириши маҳол эди. Қолаверса, Отабекнинг Кумушга уйланишида ўзбек миллий ахлоқининг негизларидан саналган, ҳар бир фарзанд қатъий амал қилиши шарт бўлган бир удумга риоя этилмаган – бу иш ота-она руҳсатисиз, уларнинг оқ фотиҳасини олмай бажарилган эди. Ҳолбуки, “оғма” Ўзбек ойим ҳам Кумушни кўргач, ёқтириб қолади. Отабек ота-она ризоси билан уйланганда, эҳтимол, бу муҳаббат қиссасининг хотимаси ўзгача бўлмоғи ҳам мумкин эди. Романдаги Ўзбек ойим образи ҳақида фикр юритар экан, академик Матёқуб Қўшжонов мана бундай ёзган эди: “Қоида-қонунларни, урф-одатларни тўла ва маҳкам тутадиган ўзбек онасининг мантӣқ портрети аниқ ва равшан чизилган! Бундан ҳам аниқ чизиш мумкинмикин?” [Қўшжонов, 2018; 43].

Ўзбек миллий ахлоқи айбни ўзгачадан эмас, ўзидан қидирмоқни тақозо этади. Халқимизнинг бунга далолат қилувчи машҳур мақоли ҳам бор. “Ўткан кунлар” муаллифи Зайнаб образини тасвирлар экан, унда ана шу фазилат етишмаслигига ишора қилади. Бошқача айтганда, муаллиф миллий ахлоқнинг зиддини тасвирлаш орқали ҳам бу фазилатнинг мавжуд бўлмаслиги наинки муайян шахсни, ҳатто оила ва жамиятни ҳам инқирозга олиб келиши муқаррар эканини образли сувратлантиради. Жумладан, ҳожи Зайнабга Кумуш билан эгачи-сингилдек аҳил бўлиши зарурлигини уқтирган лавҳага эътибор беринг:

- Эгачи-сингил бўлиб кетарсиз-а? – деб такрор сўради қайин ота.
- Билмадим...
- Нега тагин билмай қолдинг?

Зайнаб бир мунча вақт ўйланиб қолди.

– *Қарс икки қўлдан чиқадир, – деди Зайнаб, – мен яхши бўлганим билан опам ёмон бўлса, ҳозирги берган ваъдамдан нима фойда бўлсин....*

– *Бошқа гапларни кўнглингга келтирма, қизим. Марғилонлик келин билан сенинг бизга ҳеч фарқларинг йўқ, иккавларинг ҳам боламизнинг қўшоғи – боламизсиз!* [Қодирий, 2017; 315].

Бу мураккаб вазиятда Юсуфбек ҳожи энг тўғри йўлни танлайди. Аслида ҳам, ўзбек отаси, фарзандларининг саодатини, оиласининг хотиржамлигини ўйлаган одам ўзгача йўл тутиши мумкин эмас эди. Бироқ шу ўринда Зайнабнинг бадгумонлигига, келажакда ундан ёмонлик чиқишига ишора борлигини пайқаш қийин эмас. Унинг “*мен яхши бўлганим билан опам ёмон бўлса...*” деган сўзлари бу фикрни тасдиқлайди. Зайнаб характериға хос, миллий ахлоққа зид бу хусусият охир-оқибатда қанча тақдирларнинг фожиасига сабаб бўлади.

Энди романдан миллий ахлоқнинг қайнота-келин муносабатлари тимсолидаги бетакрор ифодасига биргина мисол: “*Кумуш уялиб зўрғагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб бўйин эгди. Ҳожи қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб суйди ва Кумушнинг манглайига тегизиб олган ўз қўлини ўпди:*

– *Бизнинг Марғилонда ҳам шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрган эканмиз-да, – деб теварагига қараб кулинди ва қўлини дуога очди*” [Қодирий, 2017; 321].

Бу ўринда икки нуқтага эътибор қаратмоқ зарурати бор. Биринчиси – адиб “Марғилонда ҳам” деганда биргина “ҳам” юкламасини қўллаш орқали Юсуфбек ҳожининг миллатимизнинг асл тийнатиға хос юксак адолатига ишора қилади. Иқтибос матндаги “ҳам” юкламаси замирида “Тошкентда ҳам” деган маъно яширинганини пайқаш қийин эмас. Бу билан ҳожи Кумушга иззат кўрсатиш баробарида Зайнабнинг ҳам ҳурматини жойига қўяди. Ушбу мисол романда ҳатто ёрдамчи сўз туркумиға тегишли биргина юклама ҳам ортиқча қўлланмагани, аксинча, катта маъно ташиши ҳақидаги муҳим хулосаға олиб келадик, бу Қодирийнинг сўзға эътибори, сўзға нисбатан масъулияти, санъаткорлик, сўзни ҳис этиш даражаси нечоғлиқ баланд бўлганиға яна бир далилдир.

Иккинчи нуқта, бу – Юсуфбек ҳожи Кумушнинг пешонасига теккан ўз қўлини ўпишидир ва бу чинакам миллий урф, тобора унутилиб бораётган удум. Қадим-қадимдан оталар ўз қизларига, келинларига бўлган меҳрларини шу тарзда намоён этганлар, яъни пешонани силаган ўз қўлларини ўпганлар.

Абдулла Қодирий – чин маънода санъаткор ёзувчи. Адибнинг бошқа асарлари сингари “Ўткан кунлар”да ҳам бирорта ортиқча детал, ноўрин қўлланган сўз ёки тасвирни учратиш маҳол. Сўз қўллаш маҳорати ҳақида фикр юритилар экан, ижодкор адабий-эстетик қарашининг асосини ташкил этувчи мана бу эътирофи, айниқса, диққатға сазовор: “Ёзувчиликда бир қонун бор: ҳаммадан илгари маъно, ундан сўнг шу маънони ифода қилиш учун сўз қуриш, сўзгина эмас, санъаткорона, яъни шундоғ сўзки, айтмоқчи бўлган фикрингизнинг ифодаси учунгина махсус яратилган бўлиб, **ясама бўлмасин**. Мана шу шартни бажариб, бу жиҳатдан таъмин этилгач, бошқа масалаларға ўтишға ҳақ олган бўласан...”.

Умуман, романдаги йирик ёки эпизодик образлар қаторида кичик поэтик детал ёки лавҳа, ҳар бир сўз ёки бирикма таҳлили буюк адибнинг асарда асосий эътиборни миллий ахлоқнинг бадиий талқини масаласига қаратганини исботлайди. Бу масалани янада тафсилотли ва чуқур ўрганиш адабиётшунослик олдидан турган галдаги вазифалардандир.

Миллат иродаси тасвири

Миллатнинг иродасини белгиловчи таянч омиллар нималардан иборат? Қандай ҳолатда миллат чин маънода юксак иродани намоён этмоғи мумкин? Абдулла Қодирий асарларида, жумладан, “Ўткан кунлар” романида миллат иродаси масаласи қандай талқин этилган? Бу каби саволлар кўпчиликни қизиқтириши табиий. Романдаги эпик тасвирдан келиб чиқиб, миллат иродасининг асосий омиллари сифатида адиб қуйидагиларга эътибор қаратган, деб ҳисоблаш мумкин: 1) миллатнинг ўз-ўзига танқидий муносабатда бўла олиши; 2) дунё аҳволидан огоҳлик ва миллатнинг ўз озодлигини ҳимоя қила олиши зарурлиги.

Миллатнинг ўз-ўзига танқидий муносабатда бўла олиши. “Ўткан кунлар”нинг дастлабки сатрлариданок Туркистондаги тарихий вазият, миллатнинг ўша кездеги забун ҳолати образли тасвир орқали рамзлар воситасида ҳаққоний сувратланади: “1264 ҳижрия, далв ойининг ўн еттинчиси, қишқи кунларнинг бири, қуёш ботқан, теварақдан шом азони эшитиладир...” [Қодирий, 2017; 31]. Савол туғилади: Қодирий нега асарни баҳор эмас, қиш тасвири билан бошляпти? Не сабаб қуёш ботқан? – Нимага у чиқиб келмаяпти? Нима учун шом азони, бомдод азони эмас? Табиийки, Абдулла Қодирийдек ҳар бир сўз, ҳар бир рамз, ҳар бир тасвир замирига теран маъноларни жойлай биладиган сўз санъаткори бу ўринда ҳам ҳар бир поэтик детал, бадиий ифодани маълум бир мақсад, муайян ижодий концепция асосида қўллаган. Бу бошланма тасвир тағматнида Туркистоннинг гуллаган баҳори ўтиб, аёзли қиши бошлангани, миллатнинг тараққиёт қуёши сўниб, таназзул шоми қора зулматини ёяётгани, юксалиш тонги ўз ўрнини инқироз тунига бўшатиб бераётгани ифодаланган [Жабборов, 1999]. Романдаги эпик тасвир жараёнида ушбу концептуал бошланма мантиқий изчилликда давом эттирилади ҳамда юксак поэтик умумлашма даражасида хотималанади.

Романнинг аввалидаёқ адиб Отабек тилидан Тошкент ҳокими Азизбекнинг халққа зулм қилишда ҳаддан ошгани, Шамайга борган бош қаҳрамоннинг Туркистондаги эскирган бошқарув услубини ислоҳ этиш зарурати масалаларидан сўз очади. Жумладан, асарда мана бундай сўзларни ўқиймиз: “Мен ўриснинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг худди бир ўйинчоқ бўлганлигини иқдор этишқа мажбур бўлдим... Бизнинг идорамиз бу кунги тартибсизлиги билан кетаберса, ҳолимизнинг нима бўлишига ақлим етмай қолди... Шамайда эканман, қанотим бўлса, ватанимга учсам, тўппа-тўғри хон ўрдасига тушсам-да, ўриснинг ҳукумат қонунларини бирма-бир арз қилсам, хон ҳам арзимни тингласа-да, барча элга ёрлиғ ёзиб, ўриснинг идора тартибини дастуруламал этишка буюрса, мен ҳам

бир ой ичида ўз элимни ўрисники билан бир қаторда кўрсам... Аммо ўз элимга қайтиб кўрдимки, Шамайда ўйлағанларим, ошиққанларим ширин бир хаёл эмиш. Бу ерда сўзимни эшиткучи бирав ҳам бўлмади, бўлсалар ҳам: “Сенинг орзунгни шу хонлар эшитадими, шу беклар ижро қиладими?” деб мени маъюс қилдилар. Илгарирак мен уларнинг гапига бовар қилмай юрсам ҳам, сўнггидан тўғри сўз айтқанларини билдим. Дарқақиқат, мазористонда “Ҳаййа алал-фалаҳ” хитобини ким эшитар эди” [Қодирий, 2017; 42].

Ана, Қодирий Отабекнинг сўзлари тимсолида миллатнинг ўша кездеги аҳволини қай даражада таҳқиқ этган, танқид қилган. Давлат бошқарув услубини мутлақ ўзгартириш замон талаби эканига доир бу фикрлар замирида нечоғлиқ кенг дунёқараш, қанчалик теран сиёсий онг туриши исбот талаб қилмайди. Ўша мураккаб ва зиддиятли замонда ушбу ҳақиқатни бош қаҳрамон тилидан бу тарзда кескин ва дадил айта олиш учун қандай катта жасорат керак эди.

Романда адиб Қўқон хонлигида, у орқали бутун Туркистонда давлат идора услуби ҳақиқатан чириганини, бошқарув аслида қипчоқ Муслмонкул қўлида бўлиб, Худоёрхон ўйинчоқ мақомида эканини, инсофу адолат ўрнини ҳийла-найранг, офият ўрнини адоват, виждон ва ҳаққоният ўрнини фитна-фасод эгаллаганини аниқ шахслар тақдири мисолида юксак бадиий маҳорат билан тасвирлайди. Бундан зоҳиран Отабек ва Кумушнинг севги қиссаси етакчи ўрин тутадигандай туюладиган романда тасвир ва талқин кўлами нечоғлиқ кенг ва полифоник хусусиятнинг нечоғлиқ мукамал экани англашилади.

Дунё аҳволдан огоҳлик ва миллатнинг ўз озодлигини ҳимоя қила олиши зарурлиги. Миллат чиндан миллат бўлмоқни истаса, ана шу фазилатга эга бўлмоғи шарт ва зарурдир. Акс ҳолда у эркини бой беради, босқинчилар оёғи остида топталади, эртанги кунига мавҳумлик зулмати таҳдид солади. Юқорида Отабекнинг Шамай сафари мисолида дунёда кечаётган ҳодисалар моҳиятидан хабардорлик, ким бўлмасин, тараққий этган миллатлар тажрибасини ўрганиш ва амалиётда қўллаш заруратига доир ёзувчи қарашлари таҳлил этилган эди. Энди миллатнинг ўз озодлигини ҳимоя қила олиш кудратига эга бўлиши билан боғлиқ адиб орзулари асарда қандай акс этгани хусусида фикр юритамиз.

Асарнинг “Қипчоққа кирғин” бобида қорачопон-қипчоқ можароси боис минглаб кишиларнинг беғуноҳ қатл этилиши, ўз фуқаросини кирғин қилишга амр берган Худоёрхон, бири мансаб учун, иккинчиси бойлик мақсадида, учинчиси бир шаҳарни қарам қилмоқ қасдида одамқушлиқдан ҳам қайтмайдиган кимсалар тимсолида Туркистон таназзулининг илдизлари теран бадиий талқин этилади. Юсуфбек хожи ва Отабек тимсолида ёзувчи миллатнинг ўз озодлигини ҳимоя қила олишини жону дил ила орзу қилган ватанпарварлар образини яратади. Тор манфаати йўлида неча-неча ватандошларининг қонини тўкишдан тоймайдиганлар қилмишидан қаттиқ изтироб чеккан Юсуфбек хожи тилидан адиб мана бундай сўзларни айтади: “Мен кўб умримни шу юртнинг тинчлиғи ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Иттифокни не эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб-ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст

муттахамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирган бўлсак, яқиндурки, ўрус истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйиндириғини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқин қилиб топширғучи – биз кўр ва ақлсиз оталарга Худонинг лаънати албатта тушар... ” [Қодирий, 2017; 304].

Озодлигини, эркини муносиб ҳимоя қилиши учун миллат жипс бўлмоғи, ўзаро низолардан тийилиб, ташқи ёвга қарши муносиб курашиш даражасига кўтарилмоғи зарур эди. Минг афсуски, бундай бўлмади. Қодирийнинг миллатпарвар ёзувчи сифатидаги хизмати шундан иборатки, ана шу фожианинг илдизларини бор ҳақиқатлари билан очиб беради. Юсуфбек ҳожи тилидан айтилган: “Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирган бўлсак, яқиндурки, ўрус истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйиндириғини кийдирган бўлармиз”, деган башорат ҳақ бўлиб чиқди.

Профессор Бегали Қосимов таъбирича: “...романни «ўткан кунлар»дан «кир» эмас, «нур» топган, бениҳоя оғир замонларда, ҳаётларининг энг бахтсиз онларида юксак ички маданият, нозик дидлилиқ, комил ахлоқ ва одоб намуналарини намойиш этган оталаримиз турмуши, гўзал оилавий муносабатлар, бетакрор миллий колорит тасвири орқали ўзликни танитмоққа қаратилган асар ҳам демак керак бўлади. Бу эса, жадидчиликнинг, бошқача айтганда, миллий уйғонишнинг бош хусусияти, миллатни миллат қилувчи анъаналар эди” [Қосимов, 2011; 209].

Шунинг баробарида, адиб юртда ҳукм сурган ноаҳиллик ва манфаатпарастлик, нифоқ ва адоват оқибатида она замин мустамлака исканжасига тушмоғига сабаб бўлганини образлар, рамзлар, тимсоллар орқали сувратлантиради. Романда Русиянинг Туркистонни босиб олиши билан боғлиқ жараёнлар тасвирланмаган. Асар сюжети 1861 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олиб, унда юртнинг истибдод исканжасига тушиши арафасидаги тарихий вазият қаламга олинган. Лекин роман хотимасидаги мана бу сўзлар адиб асарда йўлини топиб, мустамлакага қарши кураш орзусини ифодалай олганидан дарак беради: “1277-нчи (миллодий 1861) йилнинг куз кезларида бўлса керак, Юсуфбек ҳожи Қаноатшодан бир хат олди. Қаноатшо Авлиёотадан ёзар эди: “Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшунда эди. Олмаота устидаги ўрус билан тўқунишмамизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб шаҳид бўлди. Мен ўз қўлим билан иккисини дафн этдим”.

Юсуфбек ҳожи хатми Қуръон қилиб юртка ош берди, Ўзбек ойим қора кийиб таъзия очди” [Қодирий, 2017; 384].

Отабекнинг ўрус билан урушда шаҳид бўлиши ҳақидаги хабарнинг ўзиёқ Абдулла Қодирий роман тағматнига Русия истибдодидан озодлик ғоясини маҳорат билан сингдириб юборгани, миллат учун озодлик ҳаёт-мамот масаласи эканига алоҳида урғу бергани исботидир.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: Абдулла Қодирий романнинг асосий қаҳрамонларидан бирига Ўзбек ойим деб от қўйиши тасодифми? Уни хаёлига шунчаки келган исм билан атаганми? Романнинг *қиш, қуёш ботиши, шом азони* сингари миллатнинг тараққиёт қуёши сўниб, таназул туни бошланганига оид рамзлар билан бошланиб, *Ўзбек ойим қора кийиб таъзия очиши* билан яқунланиши ёзувчининг асар сюжети ва композициясини пухта ўйланган ижод концепцияси асосига қургани исботидир. Бу орқали миллатнинг забун ҳолига, сиёсий инқирозига, маънавий таназулулга ишора қилинган, дейиш мумкин.

Асар сўнгидаги “Ёзғучидан” сарлавҳали изоҳда Отабекнинг ўғли Ёдгорбек ўн тўққизунчи ва йигирманчи йиллардаги (*айни шўролар замонидаги*) очарчиликда вафот қилгани, ундан қолган икки ўғилдан бири Марғилонда масъул ишчилардан, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экани хабари берилади. Отабекнинг ўзи чор Россияси мустамлакасига, кейинги икки авлоди – ўғли ва неварасининг шўро истибдодига қарши курашда қурбон бўлгани ҳам ёзувчининг асл муддаоси миллий озодлик орзусини тасвирлаш бўлганини англатади.

Романда миллат эътиқодининг ёритилиши

Дастлабки асарлариданок исломий руҳ Абдулла Қодирий ижодининг асосини ташкил этгани маълум. “Тўй” шеърида “Амр этибдурму биза Қуръон тўй”, “Мундайн ишлар шаръимизда йўқ” дея миллатни хою ҳавасларни йиғиштириб, Ватан тараққийси йўлида саъй кўрсатишга ундагани ҳам буни тасдиқлайди. “Аҳволимиз” шеърида ватандошларини фарзандларига “Худони(нг) буйруғи бўлган улум ўргатиш”га чорлайди:

Кўр бизинг аҳволимиз, ғафлатда қандай ётамыз,

Жойи келган чоғида виждонни пулга сотамиз.

Ўғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламак,

На Худони(нг) буйруғи бўлган улум ўрготамиз.

Ўзбек замонавий ҳикоячилигининг мукамал намунаси бўлган “Улоқда” ҳикоясида (1916) энг йирик давлатлар бўлинган дунёни қайта тақсимлаш учун жаҳон урушига киришган, инсоният фожиалар гирдобида қолган бир кезде миллат тақдири учун куйиниш ҳиссидан маҳрум ватандошларининг тўйбозлик, улоқпарастлик билан овора эканидан куйиниш ҳисси бадий талқин этилган.

1924 йил ёзида Москвада Валерий Брюсов номидаги Журналистлар институтида ўқиган кезлари ҳам Абдулла Қодирий миллий матбуотда мақолалари билан фаол иштирок этган. Унинг публицистик чиқишларида фикри очик, дунёқараши кенг, эътиқоди мустаҳкам мусулмон адибининг ўткир тафаккури намоён бўлади. “Муштум” журналининг 1923 йил 3-сонида босилган “Таваккалту алаллоҳ”ни деган эр: на талқону на қалқоннинг ғамин ер” сарлавҳали мақоласида тоат-ибодатда, ихлос-эътиқодда, зуҳду тақвода риёзат чекиб, таваккул қилиш мақомига кўтарилган буюк аждодлардан ибрат олмай, ўзининг дангасалигини “таваккул” ниқобига ўраб кўрсатадиган замондошларини аёвсиз танқид қилади. Фикрини далиллаш учун Қуръони карим оятларидан далиллар келтиради. “Кимнинг оғзига қулоқ солсанг: “Бўлса бўлар – бўлмаса ғовлаб кетар”, дея куйинган адиб билими

чала муаллимлар, сўзда полвону меҳнатдан қочадиган ишчилар, авлод тарбияси ўрнида “Қозонда жиз-биз, ўринда сиз-биз” шеърини шиор қилган миллат аёллари, оғизда “Миллатга илм керак, маърифат керак”, дея бонг уриб, ишга келганда томошабин бўлиб турувчи зиёлилик даъвосидагилар аслида Ватан ва миллат таназзулининг бош сабабчилари экани ҳақида изтироб билан ёзади. “Туркистон” газетасининг 1923 йил 24 декабрь сонидида босилган “Ҳуқуқ” сарлавҳали мақоласида шўроларнинг инсон, айниқса, аёллар ҳуқуқини нечоғлиқ оёқости қилгани масаласини ўткир киноя асосида таҳлил қилиб беради. Мақолада: “Шўролар ҳуқумати ҳар бир чоти айри, боши юмалоққа, ҳар бир нотику ғайри нотиққа, ҳар бир инсу жину деву париға том-том боло-боло бом (мукамал) ҳуқуқ берди, деб гапуришадирлар. Бу тўғрими, баковул-ясовуллар, қозию қуззотлар бу гапка, бу ишларга тушунадирларми?” – дея савол қўйган адиб ушбу даъволарнинг таги пуч, асосиз эканини аниқ мисоллар таҳлили орқали исботлаб беради. Таҳлиллари сўнгида адиб ҳуқуқ гап билмаган, иш билмаган Зайнаб опаларники эмас, ҳийлагарликда шайтоннинг устози бўлганларники ёки иблисга мардикор тушганларники, деган хулосани чиқарадики, ўша мустабид тузум шароитида ҳақиқатни бу тарзда айтиш чинакам жасорат эканлиги ортиқча изоҳ талаб қилмайди. Умуман, Абдулла Қодирийнинг мақолаларида фикр бамисоли чақмоқдай ёрқин – ўқувчининг қалбу шуурини чароғон қилиб юборади, ҳажв ханжари худди жарроҳ тиғидек ўткир – жамиятдаги иллатларни аёвсиз кесиб, муолажа этади.

Мақоламизда қўйилган муаммо – “Ўткан кунлар”да эътиқод масаласининг ёритилишига келсак, роман асос эътибори билан ислом маърифати руҳи билан суғорилганини таъкидлашга бурчлимиз. Бу хусусият қуйидагиларда кўринади: *адиб асарда вақтни исломий ўлчовда беради*. Саналар ҳижрий-қамарий йил ҳисобида келтирилади. Жумладан, асар “1264-ҳижрия” (милодий 1845-46) санаси билан бошланади. Романга муаллиф ёзган изоҳда Нормухаммад кушбегининг Тошкентдаги беклик санаси 1270-73 ҳижрий йиллар ораси эканлиги айтилади. Қумушнинг қабрига тошдан ўйиб ёзилган лавҳада таваллуди 1248, вафоти 1269 ҳижрий деб қайд этилади ва ҳоқозо.

Романда куннинг қайси палласи эканлиги намоз вақтига кўра белгиланади: “куёш ботқан, теварақдан шом азони эшитиладир”, “субҳ намозини ўқиб арава кўшилди”, “асрдан бироз эртароқ ҳуқумат аскарлари билан халқ орасида уруш бошланди”, “Хуфтон намозидан сўнг янгиланган ташвишларни бироз унутдирар умиди ила пойчароғ ёнига ўлтуруб, Фузулий девонини варақлар эди” сингари. Вақт ифодаси учун ҳар бир мусулмон адо этадиган беш вақт намознинг ўлчов асоси ўлароқ танланиши, аввало, романда муаллиф томонидан белгиланган ижодий концепция тақозоси бўлса, иккинчидан, романда адабий замоннинг мусулмон эътиқодига мувофиқ поэтик тизим даражасига кўтарилганидан далолат беради. Бундан ташқари, бошқа ҳар қандай бадиий асарда бўлгани каби “Ўткан кунлар”да ҳам “замон – вақт физикавий мазмундан адабий-фалсафий моҳиятга кўчади” [Каримов, 2014; 24].

Адабиётшунос Узоқ Жўракулов роман манбаини “илк сюжет” – Қуръони каримдаги Одам алайҳиссалом тўғрисидаги илоҳий хабарга боғлайди. Бу фикр

“илк учрашув мотиви” ва “висол мотиви” билан боғлаб асосланади. Қуръоний ахборотга кўра, “Одам (а.с.) ва Ҳавво онамизнинг жаннатда бирга бўлиши илк учрашув бўлиб, ундан кейин келадиган – башарият ҳаёти учун муҳим учрашувнинг дебочаси эди. Бу ўта ноёб ҳодиса бўлиб, инсоният ўз тарихи давомида илк учрашувнинг бу мақомига қайтиб эриша олган эмас (эришиши мумкин ҳам эмас)... романдаги “ариқ бўйи” учрашувининг эса тасодифга мутлақо алоқаси йўқ. Аксинча, ёзувчи бу учрашувни романнинг бир неча ўрнида (дастлаб Мирзакарим кутидор меҳмонхонасида Зиё шоҳичи тилидан, сўнгра Кутидор ва Офтобойим ўртасидаги мулоқотда, учинчи марта Худоёрхон саройида, Муслмонкул ва Отабек ўртасида кечган мантиқ мубоҳасасида) **“тақдир шамоли”** дея тилга олади ва буни чуқур бадиий мантиқ билан асослайди” [Жўрақулов 2015: 157]. Таъкидлаш керакки, бундай талқинга асос берадиган асар нафақат ўзбек адабиётида, балки жаҳон адабиётида ҳам камдан-кам топилади. Бу ҳол Абдулла Қодирийнинг бадиий асарни ёзишга ҳам собит эътиқод билан ёндашганидан далолат беради.

Асар сюжетида *романнинг асосий қаҳрамонлари ўқиётган китоблар ҳам уларнинг дунёқараши, эътиқоди исломий эканлигини* кўрсатиб туради. Романнинг охириги учинчи қисми сўнгида Юсуфбек ҳожи кўп вақтини меҳмонхонада “Қуръон” ва “Далойил” ўқиб ўтказгани ҳақида сўз боради. XV асрда яшаган мусулмон ақида олими Муҳаммад ибн Сулаймон Жазулий (1404–1465) араб тилида ёзган “Далойил ул-хайрот” – пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га атаб ўқиладиган салавот ва мадҳиялардан иборат асар. Китоб етти қисмдан таркиб топган бўлиб, ҳар бир қисм ҳафтанинг маълум кунида ўқишга мўлжалланган. Асарнинг шарҳлари ва туркий тилга таржималари ҳам мавжуд. Китобда кундалик тавсия этиладиган салавот айтиш усуллари кўрсатиб берилганлиги учун мусулмонлар ундан мунтазам фойдаланган. Ҳатто мазкур китоб ўқиладиган махсус далоилхона деб номланган мактаблар ҳам фаолият кўрсатган. Юсуфбек ҳожининг Қуръони карим ва “Далойил” ўқиётган тарзда тасвирланиши замирида комил мусулмон бўлган адибнинг асл ижодий мақсади ифодаланган. Зеро, “Абдулла Қодирий асарларида машҳур китоблар воситасида қаҳрамонларни етилтириш, ўша рамз ва ишоралар ёрдамида уларни тавсифлаш усули мавжуд муҳим адабий-эстетик ҳодисадир” [Каримов, 2014; 33].

Исломий руҳ, мусулмон маънавияти роман қаҳрамонларининг наинки ташки – зоҳирий ҳаракатларида, балки руҳий дунёсида, ҳар бир сўзида ҳам яққол намоён бўлиб туради. Асарда бетакрор бадиий талқин этилган бу хусусият Абдулла Қодирийнинг инсон руҳияти тасвири борасида ҳам моҳир ижодкор эканидан дарак беради. Романда мавзу “тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган “хон замонларидан белгиланган”и таъкидланса ҳам, аслида ёзувчи ўзи яшаб турган давр воқелигини, мустамлака исканжасида қолган миллатнинг дардини, изтиробини, ҳар қандай вазиятда ҳам эътиқодда собит тура олган шахсиятлар маънавий-руҳий оламини асар матнига маҳорат билан сингдириб юборади.

ХУЛОСА

Абдулла Қодирининг “Ўткан кунлар” асари чоп этилиши биланоқ миллатнинг қалбидан ўрин олгани, қўлма-қўл ўқилгани, ҳатто ёд олингани асарда миллий руҳ ифодаси ўқ чизиқ бўлиб ўтгани натижасидир. Бу ҳол, шундан дарак берадики, миллий руҳ миллий адабиётнинг асосидир. Жаҳон бадиий-эстетик анъаналарини ўзлаштириш зарурлиги исбот талаб қилмайди. Дунё адабиёти-нинг энг илғор тажрибаларидан фойдаланмоқ кераклиги аён. Лекин асл ҳақиқат шундаки, агар миллий руҳ билан суғорилмаган бўлса, ҳар бир сатрида миллатнинг юксак тафаккури, соф табиати, ўй-фикрлари, орзулари, армонлари бўй кўрсатиб турмаса, бундай асар ҳеч қачон миллатнинг маънавий мулкига айлана олмайди. “Ўткан кунлар”нинг умрбоқийлигини таъминлаб келаётган асосий омил ҳам романда миллий руҳнинг беқиёс маҳорат ила ифода этилганидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Al-Djaxiz Abu Usmon Amr. Fazoyili atrok. – Baku, 1993.
2. Boymurodova Sh. “O’tkan kunlar” ni ingliz tiliga tarjima qilgan Mark Riz bilan suhbat // Ma’rifat, 2018 yil 20 sentyabr.
3. Jabborov Nurboy. Millatning yangi kuni //Fidokor, 1999 yil 18 mart.
4. Juraqulov Uzoq. Birinchi o’zbek romani – “O’tkan kunlar”/Nazariy poetika masalalari: Muallif. Janr. Xronotop. – Toshkent: G’afur G’ulom nomidagi NMIU, 2015.
5. Rarimov Bahodir. Qodiriy nasri – nafosat qasri – Toshkent: O’zbekiston, 2014.
6. Navoiy Alisher. Muhokamat ul-lug’atayn. To’la asarlar to’plami, 10 jildlik, 10-jild. – Toshkent: G’afur G’ulom nomidagi NMIU, 2011.
7. Riz Mark Edvard. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevga maktub. www.usa.uz 2020 yil 7 yanvar.
8. Qodiriy Abdulla. O’tkan kunlar – Toshkent: Info Capital Group, 2017.
9. Qosimov Begali. Quyosh borligiday oydin haqiqat /Uyg’ongan millat ma’rifati. – Toshkent: Ma’naviyat, 2011.
10. Qo’shjonov Matyoqub. O’zbekning o’zligi/Tanlangan asarlar. – Toshkent: Sharq, 2018.